

**АХСИКЕНТ ВА АХСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ, ТАДҚИҚ ЭТИШ,
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРТ ХУСУСИДА**

Ҳасанов Раҳмонали

*(Турон ФА академиги ва вице-президенти, Туронда хизмат
кўрсатган тарихчи, тарих фанлари номзоди, профессор),*

ORCID: 0009-0007-6026-4031

E-mail: rahmonali.xasanov@uztitu.uz |

Тошкент иқтисодийёт ва технологиялар университети

ижтимоий фанлар кафедраси

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21057483>

Аннотация Мазкур мақолада Ахсикент ва ахси тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш, музейлаштириш ва туризмни ривожлантириш истиқболларт хусусида олиб борилган тадқиқотлар, қадимий Ахсикент Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлганлиги, унинг сарҳатларида антик даврдан бошлаб ҳунармандчиликнинг кулолчилик, шишасозлик ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришга ихтисослашган темирчилик соҳалари тараққий этганлиги, қазилма вақтида бу ердан сопол қувурлар, турли тасвирлар туширилган лаган, кўза, сиёҳдон каби кулолчилик буюмлари, хумлар, ҳар хил шиша идишлар, ҳунармандар нозик дид билан ясаган амалий санъат намуналари ҳамда олтин, кумуш тангалар, аёллар тақинчоқлари, рўзгор буюмлари топилганлиги, Ахсикент темирчи ҳунармандлари томонидан тайёрланган қиличлар ўрта аср Фарбий Европа адабиётларида «Дамашқ қиличлари» номи билан тилга олинганлиги, тошга урса, уни кесадиган, эгилса ҳам синмайдиган гайритабиий кучга эга бўлган қиличлар ҳақида, янги Ахсида тўпланаётган юзлаб топилмалар қаторига нўлат ханжар ҳамда «Оятал курси» битилган мис пиёла қўшилгани ҳақида,

Ахсикент ва унинг тарихи ҳақида Хитой ёзма манбалари, тарихчи олимларимиз, археологларимиз, давлат ва жамоат арбоблари, томонидан ёзиб қолдирилган манбалар хусусидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар. “Ахсикент”. ”Ахси”, „Буюк ипак йўли”, Хитой ёзма манбалари кулолчилик, шишасозлик, қурол-яроғ, «Дамашқ қиличлари», нўлат ханжар, «Оятал курси» битилган мис пиёла, Сайхун дарёси, Умаршайх Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Яҳё Ғуломов, Йўлчи Қосимов, А.Анарбоев

Кириш.

Маълумки, Ахсикент ёдгорлигини ўрганилиши 1885 йилдан бошланган. Дастлаб, бу ерда Петербург университетининг профессори, таниқли археолог ва шарқшунос Н. Веселовский иш олиб борган. 1913 йилда И. Кастанье томонидан навбатдаги қазилма ва тадқиқ ишлари ўтказилган. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилиши даврида профессор М. Массон бу ерда археологик разведка ишлари билан шуғулланди. 1960 йилдан эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Яҳё Ғуломов [7:Б.47] бошчилигида мутахассислар Ахсикентда археологик қазилма ишларини амалга оширишди. Ҳозирги кунда эса, проф. Анорбаев раҳбарлигидаги мутахассислар фаолият юритмоқдалар

Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган.

Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис муҳофаа учун қулай саналган. Кейинги йилларда Ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим манба ҳисобланган Ахсикент тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш уни “Очиқ осмон остидаги музей” га айлантириш, қадимий Ахсикент ёдгорлигининг жаҳон тамаддундаги тутган ўрни, ўзбек давлатчилигининг ривожига аҳамияти борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб

борилди, диссертациялар ёқланди, илмий конференциялар ташкил этилди, археологик қазув ишлари амалга оширилди.

Адабиётлар таҳлили ва мавзунинг долзарблиги

Мазкур мақоламизда эса, бу борада матбуот ва даврий нашриётларда эълон қилинган манбаларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатлар, қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Президент қарорлари ва фармонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари [1,2,3], музейшуносликка оид адабиётларни ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш масалаларига урғу берилди.

Буни биз қуйидаги олимларнинг илмий ишлари ва асарларида ҳам баён этилганлигидан билишимиз мумкин. Жумладан, А.Анарбаевнинг “Ахсикент - столица древней Ферганы, А.Анорбоев, У. Исломов, Б. Матбобоевларнинг . Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона], Йўлчи Қосимовнинг”Қадимги Ахсикент тарихи, Муҳаммад Гажим ал- Баҳроннинг “*Жаҳоннома*”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “БобурномаИсҳоқхон Ибротнинг “ Тарихи Фарғона” ,М. Мирсайдуллаевнинг “Икки буюк Ахсикатийлар”, “Ахсикентлик буюк алломалар”, ”Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк мероси”, асарларида, шунингдек, Хитой саёҳи Чжан Цяннинг “Кундаликлари”, Н.И.Веселовский, И.А.Кастанье, А.Н. Бернштам, М.Е.Массон, Яҳё Ғуломов, Инқилоб Аҳраров, Пиримкул Қодиров, Раҳмонали Ҳасанов, Рустам Умматов, Ҳамиджон Ҳомидий, И.Юсупов, Э.Мирзаалиев, Т.Қозоқов, Ж.Аҳмедов ва бошқа ўнлаб тарихчи олимлар ҳамда ёзувчи адибларнинг асарлари ва мақолаларида Ахсикент тарихига оид кўплаб маълумотлар келтирилган [9].

Мақсад ва вазифалар

Дарҳақиқат ҳозирги ёшларимизни қизиқтириб келаётган долзарб масалалардан бири Ўрта Осиё ҳудудида ташкил топган дастлабки қўرғонлар, шаҳарлар, илк давлатлар, бу заминда яшаган халқларнинг турмуш тарзи

қандай бўлганлиги, бу ерда туғилиб вояга етган аجدодларимиз жаҳон таммадунига қандай ҳисса қўшган деган саволлар жавобини билишга муштоклигидир.... Шу боис, Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатчиликни юзага келишида муҳим ўрин тутган, бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан бутунжаҳон маданий мероси объекти ҳисобланган қадимий Ахсикент ёдгорлиги ҳамда уни музейлаштириш борасида олиб борилаётган сайъ ҳаракатлар хусусида илмий изланишларни тадқиқ қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик

Мунозара

Милоддан аввалги II-I асрларга оид Хитой ёзма манбалари ва милодий VIII-IX асрларига доир араб манбаларида Фарғона сўзи водийнинг номидан ташқари, унинг бош пойтахтига ҳам тегишли эканлигини кўриш мумкин. Масалан, хитой тилида Фарғона шаҳри номини «Юань», водий номини «Дай Юань», деб таржима қилинган, яъни Хитой тарихчиси водийни, шаҳардан фарқлаш учун, уни «Катта Фарғона», деб ёзган. Бизга маълумки, Фарғона сўзи атрофи девор билан ўралган жой ёки атрофи ўралган воҳа, деган маънони билдиради. Бу ерда Хитой тарихчиси шаҳар номига битта иероглиф (Юань), водий номига иккита иероглиф (Дай Юань) ишлатган.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар, Фарғона водийси ёки Хитой манбаларида тилга олинган Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона шаҳри ҳозирги Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб жойлашган Ахсикент ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган илмий хулосага олиб келди. Маълум бўлишича, милоддан аввалги II асрнинг охирларида хитойликларнинг Фарғонага қилган ҳарбий юришлари вақтида Ахсикент ўрнидаги шаҳар ўзининг арки, шаҳристони ва работига эга бўлиб, 50 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Шаҳар мустаҳкам муҳофаа деворлар билан ўраб олинган.

Археологик тадқиқотларга қараганда, X-XII асрнинг бошларида Ахсикент металлург-темирчи усталари тоза пўлат (фулад) ишлаб чиқариш технологияси сирларини билишган. Тоза пўлат олиш учун биринчи навбатда, бойитилган (тозаланган) темир хом ашёси зарур бўлган. Буни Ахсикент усталари Ғовасой-Поп ва Уструшонадаги Марсманда тоғ-кон саноати металлургларидан олишган. Бойитилган (тозаланган) темир маҳсулоти Ахсикент металлург-темирчи усталари кўлига тушгач, ундан улар биринчи навбатда махсус технология ёрдамида пўлат олишган. Сўнг машҳур Фарғона қиличларини ясашган.

Манбаларда қайд этилишича, Қадимий Ахсикент шаҳрида ҳам антик даврдан бошлаб ҳунармандчиликнинг кулолчилик, шишасозлик ва қурол-яроғ ишлаб чиқаришга ихтисослашган темирчилик соҳалари тараққий этган. Ахсикент темирчи ҳунармандлари томонидан тайёрланган қиличлар ўрта аср Ғарбий Европа адабиётларида «Дамашқ қиличлари» номи билан тилга олинган. Тошга урса, уни кесадиган, эгилса ҳам синмайдиган ғайритабиий кучга эга бўлган қиличлар ҳақида ҳар хил ривоятлар тўқилган. Аслида ушбу қиличлар тарихи Фарғонанинг бош пойтахти Ахсикент (Фарғона) тарихи билан бевосита боғлиқ

Ёзма манбаларга мурожаат қилсак, уларда (Истаҳрий, Ибн Ҳавқал) Уструшонадан қазиб олинган темирдан фарғоналик ҳунармандлар инсон ақли бовар қилмайдиган буюмлар тайёрлашган ва Фарғонадан Буюк Ипак йўли орқали қуроллар ҳам экспорт қилинган, деган умумий гаплар мавжуд.[11]

Пўлатдан қурол тайёрлаш устадан катга маҳорат талаб қилган. Қиличга ишлов бериш жараёнида, унинг юзида ҳар хил нақшлар пайдо бўлган. Бунга ўхшаш қиличлар ўта кескир бўлиши билан бирга, мўъжизавий санъат асари ҳам ҳисобланиб, дунё бозорида юқори баҳоланган. Шунинг учун ҳам унинг сопи ва ғилофига алоҳида ишлов берилиб, қимматбаҳо тошлар билан

безатилган. Бундай қиличнинг нархи жуда юқори бўлиб, унга эга бўлиш фақат подшо аскарлари ва бой- бадавлат одамларгагина насиб қилган... Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик қазилмалар ушбу муаммога аниқлик киритибгина қолмай, балки Фарғонанинг бош пойтахт ҳақида ҳам буюк кашфиётларга олиб келди. Шунинг учун Фарғона қиличлари тарихига изоҳ беришдан аввал, ушбу қуроллар тайёрланган шаҳар ҳақида, унинг касабалари, қўрғонлари, зарбхоналари, ободончилик учун олиб борилган сайёҳи ҳаракатлар, боғдорчилик ва полиз экинларининг машҳурлиги, хунармандчиликнинг ўта ривожланганлиги хусусидаам тўхталиб ўтишни лозим топдик..

Дарҳақиқат, қадимий давлатлардан бири Фарғона (Даван) давлати ҳақида гувоҳлик берадиган Ахсикент ёдгорлиги Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ахсикент эраиздан аввалги III асрда ташкил топган бўлиб, қадимги Фарғона давлатининг пойтахти, Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган.

Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай саналган.

Шаҳар Арк, ички ва ташқи шаҳардан иборат бўлган. Бу ерда ўз даврида шишасозлик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик каби хунармандлик турлари ривожланган. 1219 йилда мўғуллар томонидан шаҳар бутунлай вайрон қилинган. (тадқиқотчи Тохирдон Қозқов Ахсикентни Чингизлар эмас, аксинча Хоразмшоҳ аскарлари томонидан вайрон қилинган деган фаразни исботлашга ҳаракат қилган бўлса, архелог проф. Анарбаев археологик ашёларга суянган ҳолда Чингизхон бутунлай вайрон қилганлигини ва буни кляб йирик тарихчи олимлар исботлаганлини қайд этади Р.Ҳ.) Қасрнинг эски ўрнидан 5-7 километр ғарбда бунёд этилган янги

шаҳар Ахси XIV-XVII асрларга оиддир. 1620 йилларга келиб зилзила оқибатида улкан шаҳар вайрон бўлган.

Бугунги кунда харобаларнинг 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган бўлиб, Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жомеъ масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрганилган.

Кўплаб тарихий манбалар ва олиб борилган тадқиқотлар асосида Ахсикат харобаларидан ғарброкда ўрта асрларга оид яна бир шаҳар харобалари борлиги аниқланган. Академик Я.Ғуломов ва археолог И.Аҳроров мазкур тадқиқотлар асосида бу ерда турли даврларга оид иккита шаҳар бўлганини, улардан бири қадимги Ахсикат ва иккинчиси Бобур туғилган Ахси эканини биринчи бўлиб исботлади.

Унинг харобалари маҳаллий халқ орасида Янги Ахси топоними билан аталиб, ҳозирда унинг озроқ қисми Якка йигит қишлоғи тагида сақланган.

Ахси осори-атиқалари | Темурийзода Умаршайх Мирзо пойтахт қилган Ахси шаҳри ўрнидан топилаётган тарихий ашёлар, ноёб артефактлар музей фондини беш мингдан ортиб кетишига замин яратди. Бу эса янги кенг ва маҳобатли музей барпо этиш талабини ўртага қўйди[10] О‘zbekiston tarixi телеканалининг «Кўҳна манзиллар» кўрсатувида ноёб топилмалар ҳақида батафсил маълумот берилган [12]. Яна бир манба: Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ахсикент ҳақида ўзининг «Бобурнома» асарининг 1494 йилги воқеалар бобида алоҳида тўхталган. «Сайхун сувининг шимолий тарафидаги шаҳарлардан бири Ахсидир. Китобларда Ахсикат деб ёзадилар. Чунончи, Асириддин шоирни Асириддини Ахсикатий дейдилар. Фарғонада Андижондан кейин бундан йирикроқ шаҳар йўқ.

Ахси Андижондан ғарб сари тўққиз йиғочлик йўлда. Умаршайх мирзо буни пойтахт қилган эди. Сайхун дарёси қўрғонининг пастидан оқади. Қўрғони баланд жар устида жойлашган. Хандақ ўрнида чуқур жарлар бор. Буни пойтахт қилган Умаршайх мирзо бир-икки маротаба ташқариокдан яна жарлар қаздирди. Фарғонада бунчалик мустаҳкам қўрғон йўқ. Маҳаллалари қўрғондан бир шаръий йироқроқда жойлашган. «Қишлоқ қаердаю, дарахтлар қаерда?» мақолини афтидан Ахси учун айтганлар. Қовуни яхши бўлади. Бир нав қовунини „миртемурий“ дейдилар, бундай қовуннинг бошқа жойда ҳам борлиги маълум эмас. Бухоро қовуни машҳурдир. Самарқандни олган пайтимда Ахсидан, Бухородан қовун келтириб, бир ўтиришда сўйдирдим. Ахси қовунининг ҳеч мисли йўқ эди. Овланадиган қушлари беҳад яхши бўлади. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи даштдан иборат. Оқ кийиги кўп бўлади. Андижон тарафи тўқай; буғу-марал, қир-ғовул ва ёввойи куён кўп. Аксари жуда семиз бўлади», деб ёзган буюк саркарда.[13]

Ахси ва унга ёндош ҳудудлардаги олиб борилган қазилмалар натижасида кўплаб ноёб топилмалар қўлга киритилди.

Қадимий Ахсикентдаги работда турон ҳунармандчилик устахоналари, бозор, ҳаммом ва бошқа маиший бинолар бўлган. Қазилма вақтида бу ердан сопол қувурлар, турли тасвирлар туширилган лаган, кўза, сиёҳдон каби кулолчилик буюмлари, хумлар, ҳар хил шиша идишлар, ҳунармандар нозик дид билан ясаган амалий санъат намуналари ҳамда олтин, кумуш тангалар, аёллар тақинчоқлари, рўзғор буюмлари топилди.

XV-XVI асрларга мансуб мисдан зарб этилган чақа пуллар ҳазинаси топилиб, ўрганилмоқда. Ушбу шаҳардаги сувоқава иншоати мутахассислар диққатини ўзига тортади. Пишган ғишт ва лойдан махсус сув қувурлар ясалиб, шаҳар сув билан таъминланган кулолчилик буюмлари, хумлар, ҳар хил шиша идишлар, ҳунармандар нозик дид билан ясаган амалий санъат намуналари ҳамда олтин, кумуш тангалар, аёллар тақинчоқлари, рўзғор

буюмлари топилди.

Демак, Ахсикент шаҳри обод ҳамда ҳунарманчилик тармоғи ривожланган шаҳар бўлган. Туркиядик сайёҳ ва олим Ёқут Ҳаммавий фикрича :“Фарғона - кенг ер, унга қарашли шаҳар, қишлоқлар ҳам катта, унинг улкан шаҳри Ахсикентдир”,... “Шаҳарга олимлар, фозиллар, илм-фаннинг порлоқ юлдуздари, қўли гул ажойиб бинокорлари, хуллас, етмиш хил ҳунарнинг соҳибкор кишилари тўпланган” [5. – Б.151]

Қорахонийлар даврида пойтахт Ўзганга кўчган бўлса ҳам, Ахсикент ўзининг иқтисодий ва маданий марказ сифатида мавқеини сақлаб қолган.

Буюк Ипак йўли тармоғининг Фарғона водийсидан ўтиши, албатта, ушбу заминнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Табиий шароитнинг қулайлиги ҳамда Фарғона водийси орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғини Ахсикент орқали ўтиши XI-XIII аср бошларида уни Абдулкарим ас-Саъмоний сўзи билан айтганда, **“энг буюк шаҳарлардан бирига”** айланишига олиб келнанилиги,бу ердан кўплаб олим-фозиллар етишиб чиққанлиги VIII – IX асрларда Фарғона воҳасида яшаган 33 олим ва машойих ҳақида ўзининг **“Ал - Ансаб”**[4;8.-Б.11] асарида маълумот келтиради. Улар ўз билимлари билан нафақат Фарғона водийсида, бутун Мовароуннаҳрда, айримлари эса бутун Шарқ дунёсига Фарғоний ва Ахсикантий таҳаллуси билан ном таратганлар.

Бизнингча, Фарғона водийсининг Ахсиенгт ва бошқа шаҳарларидан етишиб чиққан *алломалар ва уларнинг илмий мероси ҳақидаги маълумотларни турли манбалардан, қўлёзма асарлардан излаб, тадқиқ этиш ҳамда уларни жамлаб музей фондига киритиш зарур.*

Буларнинг барчаси Ахсикент музейида ўз ўрнини топиши . археологик қазилма жараёнида топилган ашёлар, хорижий давлатларда сақланаётган асори-атиқалар нусхаси, Ахсикентлик алломаларнинг рамзий сиймолари акс

этган тасвирлар, уларнинг илмий меросидан намуналар ўрин олиши мақсадга мувофиқдир

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилги Наманган ташрифлари давомида Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, мазкур ҳудудни туризм маконига айлантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, олимлар, тадқиқотчила, юзлаб саёҳларнинг фикрларигап кўра,, “Ахсикент” - шонли тарих ва буюк келажак туташган маскандир...

Натижа

- «Ахсикент» - дунё археологиясида ноёб ҳодиса. Бугун умумий ҳудуди 200 гектарни ташкил этувчи маданий мерос объекти қазилма ва бунёдкорликнинг қайноқ нуқтасига айланган - дейди «Ахсикент» комплекс экспедицияси раҳбари, ЎзРФА Миллий археология маркази бўлим бошлиғи, профессор Абдулҳамид Анорбоев.

Биласиз, бу ёдгорликда ўтган асрнинг иккинчи ярмида қазилма ишларига киришилиб, дунёга машҳур «Дамашқ қиличи» топилган, орадан бироз ўтиб «Ахсикент»га Косонсойдан салкам 20 километр узунликда ичимлик суви тортиб келтирилган сопол қувурлар қолдиқлари билан археологларни ўзига тортган. Бу ердан топилган нодир қўлёзмалар ва бошқа осори-атиқалар учун алоҳида музей ҳам ташкил этилди.

Ҳозирда «Янги Ахси» мажмуасида осори-атиқалар музейи, нодир қўлёзмалар маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу манзилда 10 мингдан ортиқ нодир артефактлар ҳамда 4 мингдан ортиқ ноёб қўлёзмалар мавжуд.

Аслида Фарғона водийсидаги қадимий бу шаҳарнинг тупроқ остида қолиб, ёдгорликка айланиши тарихи ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд. Улардан энг яқинлари кучли zilзила ёки метеорит кулаши сифатида келтирилади. Лекин, нима бўлганда ҳам, ўтмишда унинг ҳар томонлама

гуллаб-яшнаган марказий шаҳарлардан бўлгани айтилиши ҳақиқат. Шу боис уни ўрганиш ишлари Янги Ўзбекистон пойдевори қўйилаётган бутунги даврда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ахсида тўпланаётган юзлаб топилмалар, қаторига пўлат ханжар ҳамда «Оятал курси» битилган мис пиёла қўшилгани ҳақида хабар , Республикамизда катта бир кашфиёт амалга оширилганлигидан далолат берди... Навбатдаги топилма ноёб Дамашқ қиличи Ахси осори-атиқалар музейига 510-экспонат сифатида рўйхатга киритилди. [11]

Таъкидлаш керакки, Ахсикентда тайёрланган, пўлатдан ясалган қиличлар, Жаҳон бозорида “Дамашқ пўлат қиличи” номи билан машҳур бўлиб, Фарбда Дамашқ, Шарқда Хитой бозорларида энг қиммат нархда сотилган. Мазкур қилич нусхалари ҳозирги кунда АҚШ. Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейида сақланмоқда.[6.- Б.14-15] .

Ўрта Осиёда биринчи кумушдан ясалган тангалар милoddан аввалги III асрда чиқарилган. Унинг юза қисми – аверсига подшонинг сурати, орқа томони – реверсига эса ҳар хил худолар, муқаддас ҳайвонлар тасвири солинган ёки подшоларнинг номи ёзилиб, тамғаси туширилган

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматида кўра,[14] ушбу топилмалар 1200–1500 йиллик тарихга эга ва яхши сақланган. Улар ичида 475–600 йилларга мансуб Бақтрия кумуш тангалари мавжудлиги жамоатчиликда қизиқиш уйғотган.

IX асрга оиддиги айтилаётган Қорахонийлар ҳукмронлиги давридаги кумуш тангалар ҳам араб ҳам араб ёзувидаги бежирим хатга эга. Яна бир танга мутахассислар эътиборини тортган. Унинг аверсида араб ёзуви, реверсида хитой иероглифлари мавжуд.

Айтилиши пайтда олимлар тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, рғирлиги, қандай металдан ясалгани, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганмоқда

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Америкалик машҳур адиб Сьюзан Уэлч Наманганга ташриф буюриши ҳам Ахси ва Ахсикентнинг дуёда машҳур бўлаётган сарҳатларидан бири эканлигидан далолат беради. Ўзининг замонавий, тарихий мавзудаги романлари билан ном қозонган, бир неча адабий мукофотлар соҳибаси Сьюзан Уэльч ва Брюс Женсенлар бир кунлик сафар давомида қадимий Ахсикент ёдгорлиги, Янги Ахси мажмуаси ва гуллар шаҳрида бўлдилар.

«Ахсикент буюк тамаддун ўчоғи. Ипак йўлининг энг буюк шаҳарларидан бири экан. Биз Наманганга айнан Ахсикентни кўриш учун келдик. Бу ерда 2500 минг йиллик тарихдан сўзловчи қазилма ишларига гувоҳ бўлдик. Янги Ахсидаги улкан мажмуа ва осори-атиқалар музейи бизга жуда ёқди. Ҳар икки манзилда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил маълумот олдик. Бу заминнинг буюк тарихи, шоҳ ва шоир Бобур билан алоқадор ҳар бир воқеаси ҳайратлантирди. Меҳмондўст мезбонлардан бағоят миннатдормиз», - дейди Сьюзан Уэлч.[14].

Мазкур ёдгорлик Наманган вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Юртимиз ва хориждаги сайёҳлик кўргазмаларида қадимий Ахсикент ҳақида ҳам тақдиротлар ўтказилмоқда. Бунинг самарасида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ўртасида тарихий ёдгорликка қизиқиш ортмоқда. Ҳозирга қадар Бельгия, Австрия, Япония, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрган. Қадамжони тадқиқ этиш, унинг жозибадорлигини ва сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида махсус концепция ишлаб чиқилган. Айни кунда шу асосда Фарғона водийсида ички туризмни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.[13]

Хулоса қилиб айтганда, Ахсикент қадимий ёдгорлигини ўрганиш, халқимиз меросини асраб-авайлаш фақат давлат ташкилотларининг иши эмас. Бу бутун халқ - сизу бизнинг ишимиздир. Ҳар биримиз маърифатли,

хуш ахлоқли, гўзалликни тушунадиган, она заминимиз тарихини англаб етадиган, боболаримиз яратган маънавий мулкни қадрлай оладиган инсон бўлишимиз даркор.

Таклиф ва тавсиялар

Хурматли Президентимизнинг 2023 йилдаги Наманганга ташрифи ушбу объектга иккинчи ҳаёт бағишлади, десак муболаҳа эмас. Давлатимиз раҳбарининг таклифига асосан:

* «Ахсикент» археология паркини ташкил этиш, унинг 3000 йиллик юбилейини ўтказиш ҳамда Юнесконинг маданий мерос объектлари рўйхатига киритишни кўзда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

* Шу асосда маданий мерос буфер ҳудуди яқинида амфитеатр, Археология музейи ҳамда бошқа инфратузилма объектлари қуриш лойиҳаси маъқулланди.

* Энг асосийси, 2026 йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали «Ахсикент»нинг айнан шу қисмида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

* Янги қурилишлар натижасида «Хунармандлар маркази», кутубхона барпо этилади.

* Айни пайтда тўртта очик осмон ости музейлари қурилиши ишлари жадал давом этмоқда.

* Жорий йилда археопаркка ёндош ҳудудда амфитеатр ва қўшимча туризм инфратузилма объектларининг қурилиш ишлари бошланади.

* Турк меъморчилик ширкати Evra-GEKA лойиҳаси асосида барпо этилаётган «Ахсикент» археология парки «Очик осмон музейи»нинг қурилиши якуний паллада. Навбатда - яна уч объект, уларда ҳам иш жадаллашади.

* Кейинги йиллардаги тарғибот, амалга оширилган ишлар натижасида айни вақтда «Ахсикент»га бир кунда 80-100 нафар сайёҳ ташриф буюрмоқда.

* Кўзда тутилган қурилишлар якунида бу манзилга бир кунлик сайёҳ ташрифи 20 баробарга ортиб, 1600-2000 нафарга етади. Бу орқали бир йилда 600 000 - 800 000 сайёҳ ташрифига эришилади.

* Шу ўринда яна бир эътиборли жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Тарихий мажмуанинг шундоққина ёнидан азим Сирдарё дарёси оқиб ўтади. Дарёнинг ўнг қирғоғида экотуристтик ва гастронимик туризм инфратузилмаси барпо этишга киришилди.

* Сирдарё соҳилида бошланган йирик экотуристтик лойиҳа «Ахсикент» археология парки мажмуининг кумуш белбоғи бўлади.

* Дарёнинг ҳар икки тарафида пиёдалар йўлакчалари, гастронимик ва хизмат кўрсатиш нуқталари, ҳунармандчилик ва савдо шохобчалари бутун бир янги туризм кластерини юзага келтиради.

* Бу йўл орқали «Ахсикент» ва «Янги Ахси» мажмуаларини бир-бири билан боғланади.

* Ҳозирда “Ахсикент соҳили” МЧЖ томонидан 7 гектар майдонда лойиҳа қиймати 5 млрд. сўм бўлган бир кунда 2000 кишини қабул қила оладиган гастронимик манзил, 3 километр масофада пиёдалар йўлаги ва бошқа инфратузилма барпо этилмоқда.

* Шу билан бирга, «Ахсикент»га олиб боровчи Тўрақўрғоннинг «Хўжанд» қишлоғидан «Гулқишлоқ»қа қадар йўлнинг 7 километри инвестиция дастури асосида реконструкция қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Т.: O`zbekiston, 2017-439 b.

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-71-75 бетлар.

3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.– Т.: Ўзбекистон, 2018. - 507 б.
4. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас- Самъоний, Китоб ал- Ансаб. 5 жилд. Ҳайдароблод, 1963
5. Абдулахатов Н., Ғозиев Т. Бурхониддин Марғилоний. – Тошкент: Янги авлод. 2010 – Б.151.
6. Анорбоев А. Дарё соҳилидаги пойтахт. //Фан ва турмуш, 1988 - №8. – Б.14-15.
7. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: «О’qituvchi” . 2008. Б.-31
8. Мирмахмуд Мирсайдуллаев. Ахсикентлик буюк алломалар. – Тошкент: “Наврўз”, 2019 – 92б.
9. Хасанов Р. Ахсикент – ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим манба / *Қаранг*. “Yangi O’zbekistonda ilm-fan va ta’lim” илмий журнали 2021й. № 3сони
10. <https://openbudget.uz/boards/initiatives/initiative/31/3a9826e4-575d-49c2-b3fb-20018fcd9aa8>.
11. <https://yuz.uz/news/axsikent-qilichbozligi-tarixi-uzoq-tarixga-borib-taqaladi>
12. <https://oyina.uz/kiril/posts/17640>
13. <https://muslim.uz/oz/e/post/14186-axsi-sayyidlari-majmuasi-haqida-bilasizmi?>
14. Медиа Департамент/ Sayt (<http://namangan.uz/>) | Telegram (<https://t.me/namvilhok>) | Instagram([https://www .instagram.com/ namangan.gov.uz/](https://www.instagram.com/namangan.gov.uz/)) | Facebook